

Ҳамкорлик ришталари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг №3117-сонли қарорига асосан ташкил этилган «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази»да Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкорликдаги грант дастури асосида Корея Республикасининг етакчи илмий тадқиқот муассасалари CAMTIC (Mechatronics Advanced Technology Institute for Commercialization KIAT (Korea Institute for Advancement of Technology), Jeonbuk Techno Park (JBTP) ва Корея савдо, саноат ва энергетика вазирлиги (Ministry of Trade, Industry and Energy) билан ҳамкорлик асосида доимий равишда ташкил этилиб келаётган ўқув курсларининг навбатдаги босқичи ўтказилди.

Мазкур курслар 2 ҳафта давом этиб маъруза ва амалий машғулотларни Кореядан ташриф буюрган профессор ўқитувчилар олиб боришли. Биринчи ҳафтадаги «CNC Machining» бўйича маъруза ва амалий машғулотларни профессорлар Донгван Оҳ ва Жунгҳо Леэ олиб боришган бўлса «Electrical, hydraulic and pneumatic system» бўйича машғулотларни эса электрик, пневматик ва гидравлик ускуналар ишлаб чиқариш бойича дунйода машҳур Германиянинг «Festo» компанияси мутахассислари Жаевон Чои ва Тайун Кимлар олиб боришли.

Кувонарли томони шундаки, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институтининг докторант Ахмедов Шерзодбек ва бир гуруҳ талabalари ҚХМ факултетининг 304-гуруҳ талабаси Рўзибоев Собир ва ушбу факултетнинг сиртқи бўлими 1-босқич талабаси Ишматов Ўқтам, ҚСХЕТ факултети 301-гуруҳ талабаси Мансуров Зухриддин ва ГИМ факултети 302-курс талabalари Осаров Шоҳжаҳон, Жураева Набира, Ҳабибуллаева Таманнолар ҳам ушбу курсларда фаол қатнашишли.

Улар ўзларининг билимларии, хорижий тилларда бемалол сўзлаша олишлари билан хорижлик мутахассисларнинг ҳам этирофларига сазовор бўлишиди ҳамда уларга таълим берадётган устозларига, институт раҳбариятига миннатдорчилик рамзи сифатида институт номига ҳам сертификат тақдим этилди. Институт талabalарини, қизиқувчиларни курсларга жалб этган инсон эса ТИҚХММи докторант Ахмедов Шерзодбек бўлиб, масъул "Қишлоқ хожалик машинасозлиги конструкторлик маркази"нинг директор оринбосари Ибодуллаева Лобархондир.

Ҳамкорлик ришталари мустаҳкам бўлиши тараққиётимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.



Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов